

А Ж Р И М

(ярашганлик муносабати билан жиноят ишини тугатиш тўғрисида)

2020 йил июль ойининг 9 куни жиноят ишлари бўйича Наманган вилояти Мингбулоқ туман суди, ўз биносида, очик суд мажлисида

Раислик қилувчи судья: **Б.Эргашев**

судья ёрдамчиси Б.Бурхоновнинг котиблигида, томонлардан Мингбулоқ туман прокурори М.Жўраев, гумонланувчи Ш.Каримов ва жабрланувчи Ф.Мухиддиновнинг иштирокида

Каримов Шахбоз Солижон ўғли, 1983 йил 14 декабрь куни Наманган вилояти Мингбулоқ туманида туғилган, ўзбек, маълумоти ўрта, Ўзбекистон фуқароси, оилали, уч нафар фарзанди бор, хусусий тадбиркор, мукаддам

- 1) Жиноят ишлари бўйича Мингбулоқ туман судининг 2004 йил 17 июлдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖК 187¹-моддасининг 1-қисми билан иш ҳақидан 30 фоизини давлат даромадига ушлаб қолиш шарти билан 3 йилга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланган;
- 2) Жиноят ишлари бўйича Мингбулоқ туман судининг 2006 йил 8 августдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖК 277-моддасининг 1-қисми билан иш ҳақидан 20 фоизини давлат даромадига ушлаб қолиш шарти билан 2 йилга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланган;
- 3) Жиноят ишлари бўйича Мингбулоқ туман судининг 2008 йил 20 февралдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖК 186¹-моддаси 2-қисмининг “б” банди ва 189-моддаси 2-қисмининг “б” банди билан ЖКнинг 45,59,60-моддаси тартибида 1 йилга муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиб, энг кам ойлик иш ҳақининг 520 баравари миқдоридан яъни 9.687.600 сўм жарима, иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромадига ушлаб қолиш шарти билан 10 ойга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланган, жиноят ишлари бўйича Тўрақўрғон туман судининг 2009 йил 24 июлдаги ажрими билан ЖКнинг 44-моддасига асосан 9.687.600 сўм жарима жазоси ҳар ойлик иш ҳақидан давлат даромадига 30 фоизини ушлаб қолиш шарти билан 1 йил 9 ой 6 кун ахлоқ тузатиш ишлари жазосига алмаштирилган, жазони 2011 йил 28 июнь куни тўлиқ ўтаб бўлган, судланганлик



тугалланган, ақлан ва жисмонан соғлом, Наманган вилояти, Мингбулоқ тумани, Мустақиллик МФЙ, Озодлик кўчаси, 43-уйда яшайди,

Ўзбекистон Республикаси ЖК 105-моддасининг 1-қисми билан гумонланганга оид 1-1604-2001/44-сонли жиноят ишини кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Дастлабки тергов органи хужжатларига кўра, Каримов Шахбоз Солижон ўғли 2020 йил 11 май куни соат 22:00 ларда Мингбулоқ тумани, Мустақиллик МФЙ марказида жойлашган ўзига тегишли бўлган “Тунги ёғду” савдо дўкони олдида, савдо қилиш учун келган фуқаро Мухиддинов Фазлиддин Мухиддин ўғли билан ўзаро жанжаллашиб, қўллари билан уни юз соҳасига қасдан уриб, тан жароҳати етказган.

Суд-тиббиёт экспертизасининг 2020 йил 21 майдаги №478/384-сонли хулосасида, Ф.Мухиддиновда пастки жағни икки томонлама, ўнг томон пастки жағ бўғим ўсиғи асосидан, чап томон пастки жағ бурчак соҳасидан синиб, сурилиши тарзидаги жароҳатлари бўлиб, оғирлик жаражасига кўра соғлиғини узок яъни, 21 кундан кўп муддатга бузилишига сабабчи бўлган ўртача оғир тан жароҳатлари тоифасига кириши аниқланган.

Суд мажлисида Ш.Каримов ва жабрланувчи Ф.Мухиддинов ариза билан мурожаат қилишиб, жиноят ишини ярашганликлари муносабати билан тугатишни сўрашди.

Гумонланувчи Ш.Каримов суд мажлисида ярашув тўғрисидаги аризасини қувватлаб, айбига ўз ихтиёри билан тўлиқ иқрорлиги, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлиги, содир этган қилмишининг оқибатини англаганлиги, жабрланувчига етказилган зарарни тўлиқ қоплаб, бартараф қилганлиги, ҳозирда жабрланувчи билан бирон-бир тазийксиз ярашиб олганлиги ҳақида кўрсатув бериб, жиноят ишини тугатишни сўради.

Жабрланувчи Ф.Мухиддинов суд мажлисида ярашув тўғрисидаги аризасини қувватлаб, гумонланувчи Ш.Каримовга нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлиги, етказилган зарар тўлиқ қопланиб, бартараф қилинганлиги, аризани ўз хоҳиши билан ёзганлиги, унга бирор-бир тазийик бўлмаганлиги, Ўзбекистон Республикаси ЖК 583-моддасининг 5-қисмига асосан ушбу ярашув суд томонидан тасдиқлангандан сўнг у мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш тўғрисида илтимоснома бериш ҳуқуқини йўқотишини тушунганлиги ҳақида кўрсатув бериб, жиноят ишини тугатишни сўради.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 66¹-моддасига мувофиқ ЖК 105-моддасининг 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этган шахс, агар у ўз айбига иқрор бўлса, жабрланувчи билан ярашса ва етказилган зарарни бартараф этса, ярашилганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод этилиши мумкин.



Суд жабрланувчи Ф.Мухиддинов ва гумонланувчи Ш.Каримовнинг ярашув тўғрисидаги аризаларини жиноят иши хужжатлари билан ўрганиб, Мингбулоқ туман прокурори М.Жўраевнинг жиноят ишини ярашганлик муносабати билан тугатиш ҳақидаги хулосасини, гумонланувчи Ш.Каримов айбига ихтиёрий иқрорлиги ва етказилган зарарларнинг тўлиқ қоплаб, бартараф қилганлиги, жабрланувчи ва гумонланувчига бирор-бир тазйик бўлмаганлиги, ярашув гумонланувчи ва жабрланувчининг хоҳишлари билан бўлаётганлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси ЖК 105-моддасининг 1-қисмида назарда тутилган жиноят ЖКнинг 66¹-моддасига мувофиқ, ярашувга тушишини инобатга олиб, Ш.Каримовга нисбатан юритилган жиноят ишини ярашганлик муносабати билан тугатишни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси ЖПК 84-моддасининг 4-қисми, 585-586-моддаларига амал қилиб, суд

А Ж Р И М Қ И Л Д И:

Ўзбекистон Республикаси ЖК 105-моддасининг 1-қисми билан судланувчи **Каримов Шахбоз Солижон ўғлига** нисбатан жиноят иши ярашилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 66¹-моддасига асосан тугатилсин.

Жабрланувчи Мухиддинов Фазлиддин Мухиддин ўғлига мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш юзасидан илтимоснома бериш ҳуқуқи йўқолганлиги тушунтирилсин.

Ажрим устидан ўн сутка ичида жиноят ишлари бўйича Наманган вилоят судига апелляция тартибида хусусий шикоят берилиши ёки протест билдириши мумкин.

Раислик қилувчи судья:

Б.Эргашев

